

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛУ ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази

**« Болалар маънавий тарбиясида оила атрофидаги муҳитнинг аҳамияти
ва ижтимоий иш ходимининг вазифалари »**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Бажарди:

Дармонов Шарифжон

Илмий раҳбар:

Катта ўқитувчи

М. Ҳошимова

Битирув малакавий иш кафедра йиғилишининг ҳимоя олди муҳокамасида
кўриб чиқилди ва ҳимоя учун тавсия этилди

-сонли баённома _____ « _____ » _____ 2011 йил.

Фарғона 2011

Мазкур битирув малакавий иш “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий иш таълими ва амалиётини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида (2010) бажарилган. Лойиҳа Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ижтимоий иш сектори Миллий жамоа аъзолари томонидан, Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият Институти, Фарғона Давлат Университети, Республика болалар ижтимоий мослашуви Маркази билан ҳамкорликда ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, БМТ ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси кўмагида амалга оширилмоқда.

**Мавзу: Болалар маънавий тарбиясида оила атрофидаги муҳитнинг
аҳамияти ва ижтимоий иш ходимининг вазифалари**

Режа

Кириш

I Боб. Оилада маънавий тарбия-баркамоллик омили

- 1.1. Маънавий тарбияда миллий урф-одатлар ва қадриятларнинг ўрни.
- 1.2. Оилада маънавий тарбияни шакллантиришда ота-онанинг вазифалари.

**II Боб. Оилавий муносабатларда соғлом турмуш тарзини
шакллантириш**

- 2.1. Маънавий тарбияда маданият ва санъатнинг ўрни
- 2.2. Оила ва давлат сиёсати

Хулоса

Тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги

Маънавият инсоннинг асосий моҳиятини ифодаловчи, унинг фаолиятига ижобий мазмун ва йўналиш берувчи ички руҳий омилидир. Фан техника тараққиёти жадал суратлар билан ривожланаётган ҳозирги даврда юксак маънавиятли кишиларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг асосий ва долзарб вазифалардан биридир. Инсоннинг маънавиятли шахс сиффатида шаклланишида оила илк замин ҳисобланади. Жамият ривожланиб, маънавий омилларнинг ижтимоий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ортгани сари оиладаги тарбияга эътибор ҳам кучая боради. Бу борада оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларда ота-она ва жамият олдидаги, бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. “Юртимизда ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади, -деган эди Президентимиз И.А.Каримов. шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятда тутган ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан туриб, халқ мафкура ярата олмаймиз¹”.

Оила инсоният яралган муҳим ва муқаддас ижтимоий институт муассасидир. Дарҳақиқат оила, айниқса ўзбек оиласи асрлар оша ёш авлодни тарбиялашда, комил инсонни вояга етказишда муқаддас маскан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ҳар бир инсонда Ватан тушунчаси илк бор тетапоя бўлиб ўсиб келаётган ёш гўдакнинг онги, руҳи ва қалбига кириб боради, бутун умри, ҳаётий фаолияти давомида яна ҳам сайқаланиб, мазмунан мужассамлашади. Бу жараён оиладаги соғлом муҳитда, ота-боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри, ака-ука, опа-сингилларнинг меҳр-оқибати орқали амалга ошиб боради. Шахс маънавияти, дунёқараши, тафаккури, эътиқоди, иймони аввало оилада шаклланади. Хитой халқининг

¹ Каримов. И.А. Миллий истиқлол ғояси – халқимизнинг ишончи ва эътиқоди. Т.: “Ўқитувчи” 2004

биринчи муаллими Конфуций оилани кичик бир давлатга таққослагани бежиз эмас. Қадимги юнон файласуфлари ҳам оиланинг жамият бирлиги ва осойишталигини сақлашда ва етук авлодни тарбиялашдаги ўрнини юқори баҳолаган. Буюк энциклопедист олим Аристотель Оилани бахт-саодат уйи деб таърифлайди. Жисмоний соғлом ва маънавий бой оилани замирида ёш авлодни камол топтириш энг аввало оиладан бошланади. Юксак ахлоқийлик, инсоний фазилатлар, ватанпарварлик, Ватан билан ғурурланиш ва унга мухаббат, унинг бахт-саодати, равнақи учун масъулиятни тарбиялаш, бузғунчи ғояларга, ёмон одоб-ахлоққа қарши нафрат руҳи дасаввал оилада куртак отади.

Оилада шаклланган одоб-ахлоқ, хулқ-атвор кейинчалик маҳаллада, меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида ривожланиб шахснинг онги ва қалбига сингиб боради. “Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонун бузилиши бидан боғлиқ ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларда унга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантиришга қаратилмоғи лозим¹”- дейди Ўзбекистон Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов.

Ўзбек оилаларида баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни бениҳоя катта. Бу ерда асрлар давомида шаклланиб келган миллий анъаналар, оналар ва болаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳурмати, қариндошларнинг бири-бирига ёрдам қўлини чўзилиши, оилавий покизалик талабаларини сақланиши каби урф-одатлар ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти ва ахлоқи учун негизга айланади, маиший-маданий турмушнинг асосий тушунчалари ва қоидалари халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари ва расм-русумлари мустаҳкам қўрғондагидек сақланиб қолади ва авлоддан авлодга етказиб берилади. Мустақил республикамизда Арасту айтган оиланинг бахт-саодат уйига айлантириш учун шарт-шароитлар яратилган. Бугунги кунда соғлом,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон” 1997

ақлли, билимли, ташаббускор, фидоий ёшларни оила муҳитида тарбиялаш долзарб вазифадир.

Мақсад ва вазифалари

Барча амалга ошириладиган ишларни мақсад ва вазифалари аввалдан аниқланиб, бажариладиган ишлар белгилаб олинади. Ана шу мақсадга кўра мавзунинг ёритилиши, таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунимиз янгича тафаккур, маънавийт мезони билан юз очаётган бир даврда ёш авлоднинг тарбиясини, маънавийбаркамоллигини, тушунчасини бош масала деб қабул қилиш вазифасини кўяди. Шунинг учун “Халқимизнинг келажаги,-деб ёзади Ислом Каримов – энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиши эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифатлилик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди¹”.

Президентимизнинг ушбу фикрларидан келиб чиқиб, тадқиқот ишини аниқ мақсадга йўналтириш, унинг вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарурати бош мақсад ва вазифа қилиб қўйилди. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун оиладаги маънавий тарбияни шакллантиришнинг омилларини назарий ва амалий томонларини фикрлашни тақазо этади. Оилада соғлом муҳитни барпо қилишда маънавий тарбиянинг ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур бўлади. Бунда оиладаги ота-она ўрни беқиёсдир. Оилада ота-она обрўси миллий ғурурни тарбиялашнинг асосидир. Баркамол авлоднинг дунёқараши, миллий мафкураси ва тафаккури ҳам оила шароитида шакллана боради. Ватан, миллат туйғуси, миллий ғурур боланинг оилага, энг яқин кишилари – ота-она, бува-буви, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатидан, туғилиб ўсган қадрдон уйи ва яқин кишилари билан мулоқоти давомида қарор топади. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ёшлар онги ва қалбига сингдириб боришда оиладаги соғлом маънавий-тарбиявий муҳитни аҳамияти каттадир.

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон” 1996

Кўплаб оилаларнинг бола тарбиясидаги эришган тажрибалари таҳсинга сазовор. Шунга доир мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, ўсиб келаётган ўғил-қизлар ўз ота-оналаридан ўзлаштирган дунёқарашни ўз замонасиники билан уйғунлаштириб ўз дунёқарашига айлантирадилар ва ҳаётий фаолиятни белгилаб оладилар. Бугунги кунда ўзбек оиласидаги маънавий муҳит фарзанд тарбиясидаги бош бўғинга айланиб бормоқда. Ана шу муҳитда тарбияланаётган ёш авлодни келажагимиз учун энг устивор вазифа деб тушунишликни тақазо этади. Ҳар томонлама етук авлодни ана шу руҳда тарбиялаш мақсад ва вазифа қилиб белгиланмоғи зарурдир.

Тадқиқотнинг услуб ва йўллари

Ушбу тадқиқот ишини олиб боришда унинг амалга ошириш жараёнида мақсад ва вазифаларни белгилашда аниқ услуб ва йўллари ишлаб чиқишни тақазо этади. Бунинг учун аввало мавзунинг гнезиси, яъни келиб чиқиши ва ривожланиш жараёнини ўрганиб, таҳлил қилиш, унинг илмий ва услубий кўрсатмалар асосида ёритишлик зарурати муҳим ҳолат саналади.

Ушбу мавзунинг мазмун моҳиятини очиб беришда, уни тўлақонли ёритишда, таҳлил қилишда, қуйидаги услуб ва йўллар мақсадва мувофиқ деб танлаб олинди.

1. Оилада соғлом муҳитни яратиш омилларини таҳлил қилиш, оиладаги шарт-шароитларни ўрганиш.
2. Оилада миллий қадриятларга эътибор берилишига аҳамият бериш, унинг ахлоқий кўринишларига эътибор бериш.
3. Оиланинг тузилиш жараёнига эътибор бериш, оила аъзоларини касбий фаолиятини ўрганиш.
4. Оилада маънавий тарбияни йўлга қўйилганлиги ва унинг омилларини, фарзандлар маънавий дунёсини шакллантиришда ота-онанинг ўрнини таҳлил қилиш.
5. Оилада маънавий муҳитни шакллантиришда санъат ва маданиятнинг ўрнига эътибор берилганлигини кузатиш.

6. Оилавий кадриятларга эътибор берилганлиги ва унинг фарзандлар тарбиясига таъсир этганлигини ҳисобга олиш.

7. Хулоса қисмида барча ўрганилган омиллари умумлаштириб, умумий тарзда хулосага келиш ва натижаларни баён этиш, умумий ҳолатда яқун ясаш.

Тадқиқотни амалга оширишда оиладаги маънавий тарбиянинг ҳар тонлама ривожланган омиллари ўрганиш, ўзбек оиласини менталитетини, оилавий тузилмасини, оиладаги соғлом муҳитни яратишдаги шарт-шароитларни ўрганишдаги барча муҳим жиҳатлар ушбу тадқиқот ишини услубва йўллари очиқ беришдаги асосий вазифа деб тушинишликни тақазо этади. Шундагина оиладаги маънавий тарбияни шакллантиришда барча юқоридаги кўрсатмалардан фойдаланиш, оила маънавий дунёсини бойитишда, фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб эта олади. Оиладаги маънавий муҳит баркамол аавлод тарбиясида ўз ўрнини топади ва фарзандлар тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Илмий фараз

Амалга ошириладиган барча ишларни аввал бошида бош мавзу сифатида мақсад ва вазифалар ётади ва ана шу барча мақсадларни амалга ошириш қандай ижобий натижа беришини асослаш зарурдир.

Ушбу битирув малакавий ишнинг мазмун моҳиятини очишда аниқ натижага яқинлашиш, мақсаддаги ишларни бажаришда аниқ жойнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб ҳозирда оилаларни барча ҳолатларини, уларнинг яшаш, ижтимоий шароитларини ўзида мужассамлаштирган маҳаллаларда олиб бориш кўзда тутилади. Бунда ўз-ўзини бошқаришга ўтган маҳалла фуқаролар йиғинининг олиб бораётган ишлари ўрганилади ва оилалардаги ижтимоий-маданий шарт-шароитларга, маҳалладаги маънавий-маърифий ишлар борасида олиб борилаётган тажрибаларни услуб ва йўлларида фойдаланилади.

Бугунги кунда маҳаллага бўлган эътибор алоҳида давлат даражасига кўтарилиши, бу борада Президентимиз томонидан фармон ва қарорларни қабул қилиниши, ўтган тарихий йилларнинг бирига “Обод маҳалла йили” деб ном берилиши, бу борадаги олиб борилаётган ишни муҳимлигидан далолат беради.

Ушбу мақсадни амалга оширишда, барча йўл-йўриқларга монанд режала тузиш, оилалардаги маънавий жараёни ўрганишда, оилаларнинг замонавий тенденцияларига аҳамият бериш, уларни ўрганишнинг аниқ услубларини яратиш, ҳар бир оилани маънавий тарбиясини олиб бориш услубларини ўрганиш муҳим вазифа деб белгиланмоғи зарур бўлади.

Ана шу мақсадларни амалга оширишда Наманган вилояти Мингбулок тумани маҳалла жамғармаси аниқ жой этиб белгиланди. Бу борада давлатимиз сиёсатини изчил амалга ошираётган, ўз-ўзини бошқаришга ўтган, оилаларнинг фаровонлигини, маънавий-тарбиявий ишларни изчил амалга ошираётган бу жамоанинг ишини алоҳида таъкидлаш мумкин бўлади. Яхши мақсадлар сари қадам қўяётган ушбу жамоанинг амалга ошираётган ишларини яхши натижалар бераётганини илмий-амалий асосланган ижобий ишлардан деб фараз қилиш мумкин. Бунинг натижасида маҳаллалар тасарруфида бўлган турли табақаларга мансуб, турлича тузилиш характери ва мазмунига эга бўлган оилаларни ўрганиш, оилалардаги маънавий тарбияни шакллантиришда маҳаллаларни ўрнини белгилаш, бош нуқтаи назарга айланиб қолади ва бундан тўғри хулоса чиқарилади, дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг кириш қисмига хулоса қилинадиган бўлса, турмуш жараёнининг муҳим масалаларидан бўлмиш жараённинг муҳим масалаларидан бўлмиш оила муаммоси бош мавзуни ташкил этишини изоҳлаш мумкин бўлади. Бунда оилаларни ижтимоий-маданий аҳволини ўрганиш, оила маънавий дунёсини шакллантиришни, оилада маънавий муҳит яратилишини баркамол авлод тарбиясидаги муҳим омиллардан эканлигини англаш зарур бўлади. Ушбу мақсадларни ёритишда унинг натижаларини

аниқ услуб ва йўллар, илмий фаразлар асосида аниқлик билан амалга оширишликни тақазо этади.

Ушбу мақсадларни ёритишда унинг натижаларини аниқ услуб ва йўллар, илмий фаразлар асосида аниқлик билан амалга оширишликни тақазо этади. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда уни мувоффақиятли амалга оширишда танланган объект яъни туман маҳалла жамғармаси фаолиятида олиб бориладиган ишлар аниқ режа асосида бажарилишини аниқ мақсад қилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда давлатимиз томонидан маҳаллаларга, оилаларга берилаётган эътибор, фармон ва қарорлар, оила тизими равнақи йўлидаги дастуриламал деб тушинмоқлик даркор. Бугунги ўзбек оиласи ижтимоий соҳада барқарор, маънавий тарбиянинг ўчоғи, миллий менталитетни, урф-одатларни, диний маданиятни, ота-боболар удумларини ўзида мужассамлаштирганида ўз аксини топа олганлигини аниқ, асослик ёритишликни тақазо этади.

I Боб

Оилада маънавий тарбия-баркамоллик омили

Буюк мустақиллик шарофати билан ватанимизда миллий кадриятларимизни эъзозлаш, оилани мустаҳкамланишига эътибор қаратиш, оиладаги фарзандлар тарбиясига, тълим олишига жиддий ёндошиш масалалрига катта аҳамият берила бошланди. Оилани қуришда фарзанд кўриш, фарзандни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, келажакни меваси сифатида тарбиялаш бош мақсад қилиб қўйилади.

Тарихга назар ташласак, муқаддас “Авесто”да, буюк бобокалонларимиз Абу НАср Форобий, Абу РАйхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий асарларида баркамол шахсни тарбиялашда ота-онанинг ўрни беқиёс эканлиги таъкидланган. Хусусан, Форобийнинг фалсафий таълимотида маърифатли энг яхши ахлоқий фазилатларнинг ўзида мужассам этган ота-онагина баркамол, маърифатли фарзандларни вояга етказиш эътироф этилган. Бугунги давр ота-оналарининг ўзига хос ижобий фазилатлари ҳам салбий жиҳатлари мавжудки, бу албатта оиладаги фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. “Ота-она – кирғоқ, бола кўприк” деган ҳикмат бор халқимизда. Фарзандни баркамол шахс қилиб тарбиялашда ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Ўзбек оиласи кўп бўлгани боис бола онгида соғлом ва билимларнинг шаклланиши жараёнида боболар, момолар, қариндош уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, фарзанд тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо, момо, қўни-қўшни ва қариндошларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай маънавий тарбия анъанаси буюк аجدодларимиз тарихида ўзига хос ўрин тутган. Оилада фарзанд тарбиясига тўхталиб, Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати, албатта шу халқни ички интизоми ва тртувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли, тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг

аҳолиси ахлоқсиз ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади¹”.

Шунинг учун оилада фарзандларни тарбиялашда аёлларнинг ўрни катта эканлиги ва ҳамма вақт долзарблиги уқтирилади. Онанинг барча хислатлари одаамийлик фазилатлари фарзандларга ўтади ва уларнинг маънавиятини замон руҳи билан қуроллантиради. Фарзанд тарбиялашда кўп асрлик миллий-педагогик анъаналардан, умуминсоний қадриятлардан кенг, оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда.

Оила қуриш ҳар бир инсоннинг табиий эҳтиёж, ижтимоий масъулияти экан, бунинг учун керак бўлган маънавий, жисмоний, тиббий муаммоларни билиш, ҳаётга мустақил қадам қўйиш арафасида турган қизлар ва йигитлар учун фан, техника асосларини эгаллаш билан баробар муҳимдир. Инсон оила қуриши, фарзанд қўриши зарур экан уни тарбиялаш эса янада муҳимроқдир. Ота-боболаримиз асрлар давомида оила қуришга масъулият билан ёндошганлар, ёшлар маънавиятли бўлиб тарбияланишига катта эътибор берганлар. Келиннинг ёки куёвнинг етти пушти соҳ-саломатлигини, уларнинг ахлоқ одобини, ота-онаси, қариндош уруғларини суриштириш ҳам ажойиб анъана бўлган. Бу ишларда ёшларнинг маънавий муштараклиги, авлодларсаломатлиги, янги оила мустаҳкам бўлиши сингари омилларга кўпроқ эътибор берилган. Шундай экан, бурч ва масъулият эканини англаб етмоқликлари ҳамда мустаҳкам оилани шакллантириш борасидаги миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳақида ёшлигиданоқ тўла ва тўғри тасаввурга эга бўлишлари керак. Турли халқлардаги оилавий муносабатларнинг ахлоқий, ҳуқуқий, маънавий мезонларини айнан бир хил меъёردа ўлчаб бўлмайди. Айрим даврларда оилаларнинг барқарорлиги заиф бўлса, баъзан эса мустаҳкам бўлган. Ҳозирги даврда баъзи мамлакатларда одамлар оила қуришни оддий ҳолатдек тасаввур этмоқдалар. Ёшлар ҳаётга

¹ Фитрат А. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”. Т.: “Маънавият” 1998

енгил-елпи қараб, баъзан ота-она билан маслаҳатлашмай оила куриб, бир оз вақтдан кейин ажратиб кетмоқдалар. Бунинг сабаби оилавий муносабатларга асос бўлган маънавий омилларнинг заифлигидир. Натижада жамиятда бир канча оилаларнинг бузилиб кетиши, тирик етимларнинг кўпайиши ҳамда гўдаклар ота-онанинг меҳридан жудо бўлишига олиб келмоқда. Бу нимага олиб келади? Албатта, ота-онасиз қолиб, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган етимлар сони кўпайиши ва шу давр ҳамда келажак авлодлар учун маънавий инқирозни кучайишига олиб келади.

Республикамизда амалга оширилатган кенг кўламли ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устиворлигини таъминлашга даъват этилгандир. Баркамол авлодни тарбиясида маънавий тарбиянинг ўрни нақадар устивор эканлиги бугунги кунимизда яққол намоён бўлмоқда. Ана шу ишнинг моҳият-мазмунини ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида камол топишига, эркин фуқаролик жамияти асосларининг мустақамланишига устивор маънавий омил сифатида эътибор берилмоқда. Бир томондан жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий, бошқа томондан оила, оилавий муносабатларни миллий ва умуминсоний ахлоқий маънавият ва қадриятлар негизида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, оила жамиятнинг негизи ҳисобланади. Баркамол авлод ана шу оилавий муҳитда камол топади тарбияланади. Жамиятди мавжуд социал, иқтисодий, мафкуравий ва маънавий муносабатлар унинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар жонли, ўзгарувчан, ривожланувчан бўлиб, унинг моҳият-мазмунини кўп жиҳатдан маънавий омилларга боғлиқ бўлади.

Бунда оиланинг маданий даражаси, оила муҳитини қарор топтирадиган маънавий қадриятлар ва эҳтиёжларнинг роли ниҳоятда каттадир. Жамиятда янгиланиш эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ ҳолда юз берар экан, у жамиятда, қадриятла тизимида, маънавий соҳада маълум бир ўзгаришларга олиб боради. Маънавий соҳадаги ўзгаришлар ҳам жамият, халқ, давлат, шахс

эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқади. Жамиятдаги маънавий янгиланиш – бу илгари унитиб юборилган маънавий қадриятлар ва маросимларнинг замон талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш, бойитиш, жамият тараққиёти учун зарур янги маънавий бойликлар, билимларнинг асосини яратиш, шакллантириш билан боғлиқ ҳодисаларни ўз ичига олади. Жамиятдаги маънавий янгиланиш бевосита оила жараёнида ҳам ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси ҳозирги ёш авлодни баркамоллик руҳида, маънавий тарбиянинг асосий омиллари сифатида қарашни тақазо этади. Халқимизнинг маънавиятини тиклаш ва ривожлантиришда маънавий бойликларни ўрганишга, уларни ҳозирги замон талаблари асосида ёндошилмоқда.

Халқ маънавий бойлиги янги давр, замон билан боғланган ҳолда, маънавиятнинг янги қирраларини ҳаётимизга киритиб келмоқда. Бу Ватанга бўлган муҳаббатда, миллатни, Ватанни англашда, шу она Ватаннинг тараққий этиши учун меҳнатини аямасликда, миллатга тегишли маънавий бойликларни тиклаш, бойитиш, кўз қорачиғидек асраш каби муҳим томонларда акс этиб келмоқда. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг маънавий баркамоллик руҳида тарбияланишига муҳим омил бўлади ва келажак авлодга масъулият юклайди. Бу маънавий эҳтиёжларни шакллантириш ва қондиришда инсон оила ва жамият олдига жуда катта талаблар қўйилади. Булар, энг аввало, инсоннинг ўзлигини англаши, оила, жамият манфаатлари билан ўз манфаатларини уйғунлигини кўра олиши ва бирлиги, замон, давр олдига турган масалаларни чуқур сеза олиш ва таҳлил қила олиш, жамият манфаатларини қондиришда, маънавий қадриятларни чуқур билиш муҳим мезондир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, маънавий тарбия барча даврларда муҳим аҳамият касб этган, баркамоллик омили бўлиб хизмат қилган. Айнан бугунги кунимизда ҳам, ёш авлодни баркамоллик руҳида тарбияшдек улуғвор ишимизда ҳам унинг ўрни беқиёсдир. Зеро, мустақил ватанимизнинг куч-қудрати, келажаги ёшларимиз қўлидадир. Уларнинг

маънавий баркамол бўлиб етишишлари ана шу улуғвор вазифаларни бажаришда ўз ифодасини топади.

1.1. Маънавий тарбияда миллий урф-одатлар ва қадриятларнинг ўрни

Ҳар бир халқнинг урф-одати, қадриятлари мавжудки, ана шу халқнинг маънавий омили бўлиб хизмат қилади. Жумланидан, ўзининг бой тарихига эга бўлган халқимизнинг ҳам ўзига хос урф-одати, қадриятлари миллий менталитети доирасида шаклланган бўлиб, асрлар давомида маънавий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Буни биз оилада мавжуд бўлган тарбиявий кўринишларда кузатишимиз мумкин. Бугунги кунимизда ҳам ўзининг янгича кўринишларида намоён бўлмоқда. Юртбошимиз Республика Олий кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясидаги ўзининг маърузасида шундай деган эди: "...Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади". Бугунги ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоялаш ана шу тарбиянинг марказий муаммосига айланади. Бу борада ота-боболаримиздан бизга тарбиявий мерос бўлиб келган урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўрнини алоҳида таъкидлаш зарурдир.

Оилада фарзанд тарбиясига маънавий жиҳатдан ёндошишга барча динлардаги каби ислом динида ҳам катта аҳамият берилади. Ислом динида ота-оналарнинг бурчи, фарзанд тарбиялашдаги масъулият мезонлари белгилаб берилган. Бунинг учун ота-она фарзандига туғилганда чиройли исм қўйиши, ўғил болаларни хатни қилиши, ўзини таниганидан сўнг ахлоқ одобни ўргатиши, Аллоҳни танитиши, Аллоҳ камолидаги таълим тарбияга оид ўғитлардан боҳабар этиши, ҳалол ҳаромни, гуноҳ ва савобни фарқлаш,

покиза юриш, касб-хунар ўрганиш ҳамда дунёвий илмларни эгаллаш кабиларни сингдириши керак. Шарқона миллий қадриятларимиздан бири фарзандларнинг ота-онага меҳрибон бўлиши, уларнинг барча айтган гапларини сўзсиз бажаришдир. Ҳаётда шундай инсонлар ҳам учраб турадики, фарзандларини кечаю-кундуз меҳнат қилиб боқиб, вояга етказиб, уйли-жойли қилишадию, вақти келса ноқобил фарзандлар ота-онани боқишга қурби етмай қоладилар. Бу эса оилада маънавий муҳитни оилада яхши йўлга қўйилмаганлигини, фарзандда ёшлигидан билим олиб хунар ўрганишга, меҳнат қилиб ўзини, оиласини, бола-чақасини боқиб, фарзанднинг ота-онага, қариндош уруғларига нисбатан бўладиган ҳурмат-иззат каби инсонийлик туйғулари шакллантирилмаганлигидан далолат беради. Қандай бўлмасин фарзанд тарбиясида урф-одатлар, миллий қадриятларга амал қилган ҳолда тарбиявий ёндошиш тақозо этилади.

Ўзбекларда “Экканигни ўрасан” деган нақл бор. Ота-она тарбия жараёнида фарзандлари қалбига қандай уруғ эккан бўлса, кейинчалик аччиқ ёки чучук меваларни ўзлари татишади.

Ота-она, фарзандлар ўртасидаги ишонч, ҳурматга асосланган муносабатлар – оила мустақамлигининг яна бир кўринишидир. Оилада маънавий тарбияни кучайтиришда отанинг ўрни бекиёсдир. Ўзбек оилаларида отага бўлган ҳурмат кўр-кўрона сиғиниш эмас, балки унинг обрў-эътиборини қадрлаш, унга ишониш ва суянишдир. Донишманд оталаргина фарзандларини билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантира олади ва ҳаётдаги барча оғирликларни ақл-идрок, сабр-чидам, ғаёрат ва матонат билан енгиб ўтишга учрайди, чиниқтиради. Қобил фарзандлар ота изиди боради. Отанинг дўстларини, қадрдонларини ҳурмат қилади, укаларини тарбиялайди, қариндош-уруғларига меҳрли, оқибатли бўлади. Албатта, буларнинг ҳаммаси кўпни кўрган, ақлли оталарнинг меҳр ва муҳаббат билан фарзанд қалбига жойланган маънавият нуридан дарак беради.

Шарқона тарбияда оталар қаттиққўллик, тўғрисиизлик, ҳалимлик, мардлик, ботирлик каби фазилатларни фарзандлар қалбида

шакллантиришган. Масалан, ота уйининг тўрида қалин кўрпачада ўтирган, фарзандлар бирор узоқ сафарга кетишмоқчи ёки бирор ишни қилишмоқчи бўлса, аввало отанинг маслаҳати ва ризолигини олишган. Ота ўтирган уйининг томига чиқишмаган, ота ўтирган уйга руҳсатсиз киришмаган, отадан олдин гапиришни, отанинг олдида ёнбошлаб ётишни одобсизлик деб билишган, ҳаттоки отадан олдин овқатга қўл узатишмаган. Ота оиланинг ҳар бир ижтимоий жабҳасида ҳал қилувчи ролни ўйнаган. Шунинг учун ҳам халқимиз орасидаги “Ота рози – Худо рози” деган ҳикматли сўзлар ўзбек оилаларида маънавийт мезони, ахлоқ, одоб тушунчаларига айланиб қолган. Фарзанд тарбиялашда ота ҳам она ҳам бирдек талабчан бўлиши керак. Она фарзандлари олдида умр йўлдошини қадрлаши, ҳурматини, иззатини ўз ўрнига қўйиши, оилада соғлом муҳитни юзага келишига ҳамда фарзандларни маънавий жиҳатдан етук бўлиб ўсишларига сабабчи бўлади.

Фарзанднинг бурчи ва масъулияти масаласи миллий урф-одатларимизда, қадриятларимизда, диний анъаналарда бўлганидек, давлат томонидан қабул қилинган қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзини халқ олдида бурчли, масъулиятли деб билиб, ота-онасини унутган шахсни маънавийтли инсон деб бўлмайди. Умуман, инсондаги Ватанга, жамиятга, халқига ҳурмат ота-онага бўлган ҳурматдан бошланади. Ота-онани қаровсиз қолдирган, уларга азоб бериб, ҳақоратлаганлар “Оқ падар” деб ҳисобланган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида ҳам ота-онани ҳурмат қилиш юзасидан қуйидаги фикрлар келтирилади: “Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд ҳор бўлсин, ҳор бўлсин ва яна ҳор бўлсин”.

Шундай экан, ота-онани ҳурмат қилишни фарзанд оддий деб тушунмасликни, балки имонлиликнинг юқори белгиси деб билмоғи лозим. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олға бормайди ва элнинг обрў-эътиборига сазовор бўлмайди, аксинча, халқ уни ёмон сўзлар билан тилга олади.

Ота-боболаримиз оилада болаларни одамийлик ва инсонийлик руҳида тарбиялашга интилиб келганлар. Бу борда миллий урф-одатларга, қадриятларга суянганлар. Диний маданиятимизнинг сарчашмаларидан баҳраманд бўлганлар. Мусулмончиликнинг мақсади, инсон боласининг одамийлик фазилатларини йўқотмасликка чақиришдан иборатдир. Ислом динида энг катта савоб, бу – инсоннинг кўнглига озор етказмасликдир. Ана шуни тушуниб амалда бажарган инсонни диёнатли инсон дейилади. Диёнат кенг маънода азалий қадриятимизни бир бўлаги бўлиб, инсонни жамият ва давлат олдида, миллат ва халқ олдида масъулиятини, авлод-аждодлари олдидаги жавобгарлигини ҳамда ота-оналар олдидаги қарздорлигини эслатиб турадиган инсоний фазилатдир. Ана шунга кўра ўзбек оилаларида мусулмончиликда қадрланган ва болалар мусулмончилик қоидалари асосида маънавий руҳда тарбияланганлар, ота-боболаридан қолган урф-одатларга, қадриятларга амал қилинган. Оилада ёшларни ота-онага, ака-укаларга, оа-сингилларга, қариндошларга нисбатан одоб, ахлоқ доирасида ҳурмат, муомала қилишга ўргатиш миллий тарбиянинг асосий томонларидан бири бўлган. Ота-онасига яхши, самимий муносабатда бўлган одам келажакда ўз фарзандларидан ҳам шундай ҳурмат оладилар. Шунинг учун оилада фарзанднинг маънавий жиҳатдан етук бўлиб ўсиши оилада ота-онанинг қандай тарбия берганлигига, миллий урф-одатлар ва қадриятларимизни қанчалик даражада ўзлаштирганлигига боғлиқ деб тушунмоқлик зарур.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, оиладаги маънавий муҳитни шакллантиришда, фарзандлар тарбиясида баркамоликка эришишда аجدодлардан қолган буюк меросни яъни, урф-одатларни, анъана ва қадриятларимизни қанчалик оилада, фарзандлар онгига сингдирсак ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон бўлиб етиштиришга замин яратган бўламиз. Бугунги кунимизнинг, давлат сиёсатидаги бу борадаги асосий вазифалардан, деб тушунмоқликни тақозо этади. Зеро, бугуннинг талабига жавоб берадиган авлодни тарбиялаш барчамизнинг зиммамизга юксак масъулият юклайди.

1.2. Оилада маънавий тарбияни шакллантиришда ота-онанинг вазифалари

Маълумки, ўзбек оиласининг ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари мавжуд бўлиб, ота-боболар ва момолардан мерос қолан маънавий қадриятлар, урф-одатлар замирида таркиб топган оиладаги маънавий тарбиянинг асосига суянилади.

Юртбошимиз таъбири билан изоҳ берадиган бўлсак: “Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирларига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас... ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош-уруғлари ва яқин одамларнинг, қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”.

Оилада болаларнинг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб ўсишига оила муҳитининг таъсири каттадир, чунки оилавий муҳит қандай бўлса, болалар худди шу муҳит таъсирида улғаядилар. Оила муҳити болаларга таъсир кўрсатиш билан биргаликда уни атрофидаги ҳаётга мослайди. Жамиятда эса болаларни руҳан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш ота-онанинг нафақат шахсий иши, балки, ижтимоий бурчи ҳамдир. Шундай экан ҳар бир ота-онанинг бурч ва вазифасига масъулият билан ёндошиб, оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, унинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш била бир қаторда, билимли, ақл-заковатли, уддубурон, зукко, руҳан ва маънавий баркамол инсонни вояга етказиш, шунингдек, оила анъаналари, касб-кори, шажарасининг давомийлигини таъминлаш, фарзандни бўш вақтини унумли ўтказишга эришиш, гиёҳвандлик, маиший нопоклик, ахлоқсизлик, носоғлом эътиқод, ақидапарастлик, хоинлик каби баъзи бир иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва бошқалар киради. Бизнинг менталитетимизда

фарзандлар ота-оналарига ўхшашга ҳаракат қиладилар, ота-оналар эса ўзлари билиб билмасдан зўз характер ва хусусиятларини, орзу-ҳавасларини фарзандларига сингдириб борадилар. Айнан ана шундай характер хусусиятларидан бири бўлган меҳр-мурувватлилик ота-онадан фарзандларига ўтади. Айниқса, ўсмирлик давридаги болаларга ота-онанинг меҳрибонлиги, доимий назорати ва дўстона маслаҳати катта аҳамиятга эга. Аммо афсуски, кўпгина ота-оналар фарзандини “бебош” қилиб қўймаслик учун бу ажойиб инсоний туйғудан чўчийдилар. Улар боланинг тантиқ, шахсиятпараст бўлиб қолишидан ташвишланадилар. Лекин жуда кўп салбий хусусиятлар бола ота-онанинг тўғри мурувватидан, эркалашидан, эътиборидан маҳрум бўлган шароитларда вужудга келади. Шунинг учун ҳам бола ўзининг севишларига, ўзига ғамхўрлик кўрсатишига ишонч ҳосил қилиши ота-онанинг муҳим вазифасидир.

Ҳар қандай фарзанд учун, аввало, ота-онанинг меҳрибончилиги, эътибори зарур. Аксарият жинойтчи бўлиб қолган болалар ота-оналарининг ва яқин қариндошларининг меҳрибон эмаслигидан азият чекадилар. Бундай носоғлом оила муҳитида руҳан эзилиб, ҳар хил касалликларга чалиниши мумкин. Бундан ташқари, у бекорчилик оқибатида, ичкиликбозлик, ўғрилиқ, гиёҳвандлик, жинойтчилик кўчаларига кириб кетиши ёки турли жиноий ва диний экстремистик гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Оилада ўсмир бола нима билан доимий банд ва қандай ишлар билан шуғулланишини дастлаб ака-сингиллар ёхуд опа-укалар, кейинчалик она сезиб қолади. Лекин оила тарбияси каби катта масъулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакка, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу – Онадир. Президентимиз айтганларидек: “Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналардир”. Шундай экан, оила муҳити, қолаверса, болаларнинг келажаги, уларнинг

рухий дунёси ижтимоий тасаввурларининг ижобий ва бой бўлиши кўп жиҳатдан оналарга боғлиқ.

Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи ота-она билан ўсмир болалар муносабатларидаги миллий хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. Маълумки, ўзбек оиласи болажон оила бўлиб, биз шунинг учун фақат ўсмир ёшдаги болаларнинг ота ва оналарига муносабатини конкрет вазиятлар билан боғлаш ўринли деб қуйидаги мисолларни ҳавола қиламиз. Бирор ишни бошлаш ёки бирор ерга боришда ҳам ота-онанинг фикри билан келишиш, улардан рухсат сўраш барча болаларга хос, қизларнинг деярли аксарияти ҳам отадан, ҳам онадан сўрашади. Шаҳардаги ўғил болаларга онанинг фикри, розилиги муҳимроқ. Шуниси характерли, барча тоифада ҳам отадан кўра онадан кўпроқ изн (розилик) сўраш ўзига хослиги маълум бўлди. Демак, ота-она билан болалар ўртасидаги муносабатларида онанинг етакчи роли болалар фикрида яққолроқ намоён бўладиги, бу онанинг оилавий юмушларни бошқариши, уйда кўпроқ бўлиши билан боғлиқдир.

Оилавий келишмовчиликлар кўпгина бирор бир муаммо асосида келиб чиқишини инобатга олсак, айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ота-она билан ўсмир болалар муносабатидаги миллий хусусиятлардан яна бири намоён бўлади. Нисбатан олиб қаралганда оилавий муамолар юзасидан ота-оналар ўз болалари билан деярли фикрлашмайдилар, баъзан фикр сўрайдиганлар қишлоқ оилаларига хосдир. Жинсга оид оладиган бўлсак, ота-оналарнинг болаларидан фикр сўраши ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда кўпроқни ташкил этади. Уларга нисбатан қизларнинг мавқелари юқорида. Бу албатта, бир томондан ўсмирларга хос максимализм бўлиб, қизларнинг оналари билан эмоционал жиҳатдан яқинлигини кўрсатади. Шунинг учун айнан қизлар оилада бирор низо чиқиб қолса, унга аралашиб, уни тўхтата олишларига ишонадилар.

Ўсмирлар билан муомалада ҳар бир ота-она, катталар, аввало болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб, иложи борида улар билан

юмшоқ ва жиддий муносабатда бўлишлари, айрим масалаларда уларнинг ҳам фикрларини сўрашлари, гапларига эътибор билан қулоқ солишлари керак.

Хуллас, оила маънавияти тизимида ўзаро муносабатларнинг тартиб-интизом, отаоналик бурчининг англаниш даражасининг аҳамияти нечоғли катталигини исботлайди. Оилавий ўзаро муносабатларда баъзан катталарнинг айби билан содир бўладиган низолар, табиийки, бола томонидан идрок қилинади, англанади, маълум бир баҳога (ижобий ва салбий) эга бўлади. Ушбу баҳолар реал вазиятларда салбий хулқ шаклида намоён бўлади. Натижада боланинг оилага, унинг қадриятларига, истиқболда оила қуришга бўладиган интилишларидаакс этади. Ана шу барча кўринишларни ҳисобга олган ҳолда оилада ота-онанинг фарзандлар маънавий тарбиясидаги ўрнини баҳолашда ҳолислик билан ёндошишликни тақазо этади. Оилавий келишмовчиликлар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар эса оиладаги муносабатлар устивор бўлган оилаларда ижобий, носоғлом ёки нотинч, қаттиққўллик ва асоссиз тазйиқ, устун оилаларда эса салбий ҳолатларга олиб келувчи тасаввурлар шаклланади.

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз, баркамол инсонни тарбиялаш, меҳр-мурувват туйғусига бой шахсни вояга етказиш энг устивор вазифалардан бири бўлиб қолади, бу эса жамиятимизда меҳр-мурувват маданиятини ривожлантиришни тақазо этади. Чунунчи, меҳр-мурувват маданиятини ўзида шакллантира олган ҳар бир инсон руҳан ва жисмонан соғлом бўлади.

Шу жиҳатдан олганда барча фарзандларимиз қалбида меҳр-мурувват ва раҳмдиллик туйғуларини шакллантириш вакамол топтириш туйғуларини шакллантириш ва камол топтириш принципиал моҳиятга эга бўлиб, бу вазифанинг изчил амалга оширилиши ота-она зиммасидир. Зеро ота-онанинг бурчларидан энг олийси ана шу маънавий тарбия рқали, қадриятлар орқали, ватанга содиқ фарзандларнинг тарбиялаш ва уларда ватанига, ўз халқига нисбатан фахрланиш туйғусини уйғотишдир.

II Боб

Оилавий муносабатларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш

Бугунги кунда Республикамизда оила турмуш тарзини ўрганиш, оилада соғлом турмуш тарзини яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу вазифа ва муаммолар оиланинг соғлом бўлиши, маънавий ва модий фаровонлигини ошириши, фарзандлар тарбиясининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Сабаби, фаол яратувчанликка асосланган турмуш тарзи жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий фаоллик, олий даражадаги фуқаролик сифати, ақлий, маънавий вазисмонан соғлом, меҳнатда, ўзаро муносабатда, мулоқотда юксак маданиятлик, албий ҳодисаларга мурасизлик билан қараш, уларга қарши курашиш, табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, атрофдагиларга меҳр-оқибатда бўлиш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Дарҳақиқат, оилада турмуш тарзини соғломлиги кишиларни жамиятда эгаллаб турган социал статусларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки турмуш тарзи кишиларнинг маънавий дунёси билан ҳам узвий боғлиқдир ва уларнинг фикрлаш туйғуси борасида ҳам муҳим ўрин тутди. Кишиларнинг турмуш тарзига мавжуд ижтимоий шарт-шароитлар маълум даражада сезиларли таъсир кўрсатади. Кундалик ҳаёт фаолиятида уларнинг ахлоқий-эстетик қарашлари, хулқи, муомаласи, ҳаётий турмуш тасаввурлари, уларнинг ички дунёсига, эътиқодига сингиб кетади ва турмуш тарзига, фикрлаш тарзига айланади. Турмуш тарзининг энг муҳим ижтимоий томони жамият аъзоларининг ижтимоий меҳнати, ўзаро муносабатлар, оила, кундалик турмушидаги фаоллиги, кишиларнинг жисмоний ва маънавий имкониятларини атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳит билан қай тарзда намоён бўлишидадир.

Бундан ташқари оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали жамиятимиз аъзоларини, айниқса, ёшларни миллий ватанпарварлик,

инсонпарварлик ғояларига, шу билан бир қаторда миллий ва умуминсоний кадриятларга садоқатли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Хозирги ўтиш даврида ёшларни узоқ тарихга эга бўлган маданиятимизни юксалтиришда ҳам оиладаги соғлом турмуш тарзи ўз таъсирини кўрсатади. Мана шуларни инобатга олган ҳолда ҳукуратимиз томонидан оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уни такомиллаштириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Чунки кишиларнинг турмуши жамият тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маданий жиҳатларини ўзида акс эттиради ва бу оиладаги соғлом муҳитни белгилайди. “Соғлом танда соғ ақл” деган ҳақимизнинг улуғ бир нақли бор. Ҳар бир одам соғлом бўлсагина яхши меҳнат қилиши, илҳом билан ижод қаламини тебрата олиши, еган луқмаси танига сингиши, тиникиб, ухлай олишини билса-да, ўша соғ ҳолатни сақлаш, ҳам вужудга, ҳам ақлга, ҳам руҳга ўз вақтида мадад бериб туриш кераклигини, бу фақат ўзимизнинг манфаатимизга алоқадорлигини баъзан унитиб ҳам қўямиз.

Профессор Васи́ла Каримованинг бу борадаги олиб борган илмий изланишлари орқали қуйидагилар таърифланади ва соғлом бўлиш масъулиятини ҳар бир инсонни ўзига юклайди. Бу эса ўз-ўзидан оиладаги соғлом турмуш тарзини аосини белгилайди ва инсон саломатлигини гарови бўлиб хизмат қилади.

Фанда инсон саломатлигининг жисмоний, руҳий, ақлий қувватига боғлиқлигини ўрганадиган соҳалар бор. Масалан инсон саломатлиги, маънавий баркамоллиги, гўзаллиги тўғрисида калокагатия, артобиоз каби атамалар орқали тушунтириладиган ҳодисалар бор. Калокагатия – грекча сўз бўлиб, бизнинг тушунчамиздаги яхшилик билан ибратли хулқнинг бирлиги, ахлоқийлик билан кишилар гўзаллигининг уйғунлигини билдиради. Ортобиоз эса лотинчадан ўгирилса, оқилона, яъни ақл билан ташкил этилган турмуш тарзи маъносини билдиради. Бу тамойил айниқса, оиладаги турмуш тарзини оқилона шакллантиришга монанддир.

Шуниси қувонарлики, буларнинг барчаси бизнинг азалий кадриятларимизга, ҳаёт тарзимиздаги маънавият ва ахлоқ, эстетика билан гўзал ва ибратли хулқ уйғунлигига боғлиқ тушунчаларимиздан келиб чиқади. Буларнинг асосий тамойилларини Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январда қабул қилган “Сихат-саломатлик йили” давлат дастуритўхрисидаги қарорнинг мазмун вамоҳиятини жойига қўйиш, унинг истиқболи учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан ҳисобланади.

Демак, тани соғлиқ халқимиз учун энг муҳим кадриятлардан бўлиши билан биргаликда у ҳар биримизнинг дунёқарашимиз, фалсафамиз, мафкурамизнинг, оқилона турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлаги бўлмоғи даркор. Шу боис ҳам давлат дастурининг бандларини синчиклаб ўрганар эканмиз, унда ҳар бир шахснинг ўз саломатлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиши, соғлом турмуш тарзини энг аввало ўзи, қолаверса яқинлари учун ташкил этишга боғлиқ шарт-шароитлар ўз ифодаини топганлигининг гувоҳи бўламиз. Фуқаролар соғлиғига ҳукуматнинг бундай ғамхўрлиги бирор бир бошқа давлатда йўқ. Давлат дастурида “Соғлом оила” тарбиявий-маърифий дастурини амалга оширишга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар белгиланган. Уларнинг маъноса шундаки, саломатлик, энг аввало, мавжуд муҳитга, одамларни бир-бирларига меҳрли, мурувватли блишлари ғамхўрликка ва самимиятига тўлиқ муносабатларига боғлиқ. Шу маънода саломатлик психологик категория бўлиб, унинг шарти ва шароити – соғлом оила муҳитидир. Оилада ота-онага кўп нарса боғлиқ. Улар оиладаги барча ҳодисаларнинг балоғардонлари сифатида энг аввало ўз соғлиқларига ўзлари масъул эканликларини унутмасалар, уни сақлашда барча эҳтиёж чораларини ўз вақтида кўргани ҳолда оилавий ҳаётга тўғри муносабатни шакллантира олсалар, мурод-мақсадларига албатта эришадилар. Соғлом одам, у отами, ёки онами, турмуш ва рўзғордаги барча паст-баланликлар, турли вазиятлар, керак бўлса, қийинчиликларга тез мослашиб, улардан оқилона чиқиш йўлларини билиши

керак. Оддий оила муҳиtida бир нарсадан толиққанда ёки асаб бузилганда, дардимизни айтадиган ҳамдард, яқин кишимиз бўлгани маъқул. Ана шундай ҳаётий фалсафа ва йўналиш билан яшаган инсон албатта, бахтли ва соғ-саломат бўлади. Муҳими, бундай ҳаётий мўлжаллар, жисмоний ва руҳий тетиклик, бардамлик у тарбиялаётган болаларнинг бахти ва келажакка интилишига ишончли замин бўлади. Ана шундай ота-она тарбиялаган фарзандларга ортиқча ўғитлар, тарбиявий тазйиқлар даркор эмаслигини таъкидлаш керак. Чунки инсон ақлини, унинг тафаккурини пешлайдиган, танини соғ, вужудини гўзал қиладиган маънавий озукани оиласида олган фарзанднинг ўз бахти ва камоли йўлидан оғиб кетишига ишониш қийин. Ҳам жисмонан, ҳам маънанва руҳан соғлом одам турли ғаламисларнинг кирдикорларига учмай ўз юрти, Ватани ва халқи манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаёт кечиришнинг асосий мезонига айлантиришга боғлиқ тушунча ва тасаввурлар оиладан бошланади. Бу ғояларнинг халқимиз қон-қонига сингиб кетганлиги энг аввало оилаларда сақланиб келаётган ижобий анъаналарда, ота-онадан фарзандларга сингдириладиган ўғитларда, қариндош уруғчилик алоқаларидаги меҳмонавозлик ва ушбу жараёнда орасталик ва озодалик тамойилларига риоя этилишларида, маҳалла-қўйда риоя этиладиган тартиб-қоидалар, хусусан, кўчани, ҳар бир хонадонни озода ва саришта сақлаш одатларига таянган қўни-қўшничилик муомалаларида ўз аксини топади.

Соғлом турмуш тарзини фалсафий-маънавий, психологик мезонларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- оилада, таълим масканлари ва жамоат жойларида ёш қизлар ва аёлларнинг кийинишларига алоҳида эътиборни қаратиш;
- оилада ва жамоат жойларида ёшларнинг муомала маданиятини шакллантиришда соғлом турмуш борасидаги халқимизнинг ўзига хос анъаналари ва қадриятларини, оталар ва момолар ўғитларини

алоҳида соғлом маънавиятли оилалар тажрибасини ибрат омили сифатида кенг тарғиб этиш;

- ёшларни спортга, жумладан, оилавий спортга ижобий муносабатини шакллантиришда мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирлар, оилавий спортчилар анъаналаридан фойдаланиш;
- оила аъзоларида, биринчи навбатда ёшлар орасида ҳаёт моҳиятини англаш, умр қадриятини эъзозлаш, ҳаётий фаолиятни оқилона ташкил этиш маданиятини шакллантириш;
- ислом фалсафасидаги орасталик ва озодалик тамойилларини омма орасида тарғиб этиш орқали сув, ҳаво, ер ва сув қадриятлари борасида ижтимоий фикрни шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, саломатлик фалсафасининг шаклланиши соғлом ва халқчил маросимлар, урф-одатлар ва миллий доимий қадриятлар билан бевосита боғлиқ. Соғлом турмуш тарзи ҳаёт кечиришнинг мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш, умр қадрини англаб етишни назарда тутди. Соғлом турмуш тарзи ёмон иллатлар билан келиша олмас экан, оилавий шароитни яхшилаш, яъни ундаги маънавий-психологик муҳитни барқарорлаштириш муҳим вазифалардан бўлиб қолаверади. Шу туфайли ҳам одамларга нафақат давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, балки оиланинг долзарб муаммоси эканлигини фуқаролар онгига етказиш лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир”. Халқимиз соғлиғини асраш эса ҳар бир кишининг инсоний муқаддас бурчи бўлиб қолаверади.

2.1. Маънавий тарбияда маданият ва санъатнинг ўрни

Маънавий тарбия инсонлар ҳаётида ҳамиша бош мавзу бўлиб келган. Чунки маънавиятсиз инсон бўлмайди. Баъзи бир инсонни маънавияти юксакроқ, баъзисиники пастроқ бўлади. Яъни ҳар бир шахс, ҳар бир оила,

хар бир жамоа ва ҳатто ҳар бир касб эгасининг ўзига хос шаклланган маънавияти бўлади. “Маънавият” сўзи арабча сўз бўлиб, “маъно” феълидан олинган рух, онг, идрок, руҳий ҳолат, дадиллик жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, дид каби бир қанча маъноларни англатади. Маънавият – инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир. Маънавият тушунчаси ўз ичига маданият, маърифат ва мафкура тушунчаларини сингдирсада, у анча кенг маънони қамрайди. Маънавият инсон ҳали хат-саводли, маърифатли, маданиятли бўлиб улгурмасдан олдинроқ унинг тили, онги, тафаккури билан дунёга келади¹.

Маънавият ва маданият эгизак ва муштарак тушунчадир. Инсонда онг шаклланиб, тилнинг пайдо бўлиши маданиятнинг илк қадамлари саналади. Одамзод ҳали маърифатли бўлмасданаввал расм чизишлари, куй ва шула айтиши, диний расм-русумларни бажо келтиришнинг ўзи маданиятнинг дастлабки шаклланиши ва ривожланишидан дарак беради. Сўнгра инсоният ўз тарихий тараққиёт йўлига тушиб олгач, аста-секин маърифатли бўла бошлайди ва маданиятнинг юксак поғоналарига кўтарилади. Бу жараён, шубҳасиз маънгавиятни маданият ва санъатдан, маърифатдан ажралмаган ҳолда бирга ва ўзаро алоқадорликда бўлишини, маълум дунёқараш билан мустақамланишини тақазо этади. Инсон борки, унинг маънавияти бор, бу маънавият унинг маданияти, маърифати ва маълум даражада мафкурага, дунёқарашга эътиқодини белгилайди. Шу ўринда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ушбу сўзларини келтириш жоиздир: - “Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам, ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг маъноси жуда кенг”.

¹ Махмуд Т. Маънавият асослари. Т.: “Ўзбекистон” 2000

Ана шу келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, маънавий тарбиянинг инсон ҳаётидаги руҳий омили сифатида баҳолашликни тақазо этади. Бунда маданият ва санъатнинг ўрнини алоҳида баҳолаш ва таҳлил этиш зарурдир. Инсоният тарихига назар ташланса барча даврларда маданият ва санъат ана шу давр ғоясига, мафкурасига хизмат қилиб келган. Бунинг сабаби ҳукмрон мафкуранинг маданият ва санъат устидан ўтказган тазйикидир. Бунинг оқибатида бутун бир халқлар ўз маданиятларини тўла намоён қилишга имкон топа олмаганлар. Ғоялар кураши силсиласида шундай бир ғоя борки, бу миллий ғоя бўлиб, бу ғоя ҳар бир миллатнинг онги ва тафаккурининг маҳсулига айланади. Яъни шу миллатнинг ўзи англаши, маънавий меросини авайлаб асраши, миллий маданияти ва санъатига муносабати, миллий урф-одатларга бўлган ҳурмати ва унга амал қилиши сингари қатор тамойилларда ўз аксини топади.

Халқимиз маълум бир муддатда тоталитар тузум деб аталмиш “социалистик реализм” ғояси таъсирида ўзларининг ғоясига, маданият ва санъатнинг тўлиқ намоён қилишларига имкон тополмадилар, лекин ўзлигини йўқотмадилар. Миллий тафаккурини, аجدодлардан қолган маънавий бойликларини, ўз динларини сақлаб қолдилар. Маданий меросларини, миллий санъатларини барча иурларини ҳозирги ва келгуси авлод учун асрлар силсиласидан олиб ўтдилар ва бугунги муборак мустақиллик кунларига етиб келдилар. Манда энди халқимиз онгига баркамол инсон тарбиясида асосий мезон бўлган маънавий маданиятни, маданият ва санъатнинг ўрнини ва уни миллий истиқлол ғояси руҳида сингдиришни асосий омил деб билмоқдалар.

Бугунги кунимизда маънавий тарбияда маданият ва санъатнинг, маърифатнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, бу йўлда асоий манба саналмиш маданият ва санъатнинг тарғиб қилиш тамойилларига алоҳида эътиборни қаратиш зарурлигини республикаимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз асарларида батафсил баён этиб берганлар ва шундай изоҳланади: “Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият

намоёндолари, аввало маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойиллари одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтарилиши зарур¹”.

Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда маданият ва санъатнинг ўрнини яна бир бор таҳлил қилиш ва унинг таъсир кучи замирида маънавий тарбияни, миллий истиқлол ғояларини халқимиз онгига сингдириш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу борада қуйидаги йўналишлар блан таъсир этиш кўзда тутилади:

1. Мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини очиб бериш.
2. бугунги ҳаёт воқелигини орзу-умидларимизни акс эттирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга эътиборни қаратиш.
3. Ёшларга ибрат бўладиган баркамол инсонлар замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш.
4. Истиқлол мафкурасига зид ғояларни очиб беришга қаратилган асарлар яратиш.

Буларнинг барчаси миллий истиқлол ғояларини, маънавият сарчашмаларини сингдириш борасида асосий тамойиллар бўлиб хизмат қилади. Бунда албатта юқорида таъкидланганидек, баркамол авлод тарбиясида санъат ва маданиятнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Маънавий тарбияда диний маданиятнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Чунки ўн тўрт асрдан буён халқимиз асосий маънавий тарбияни диний маданият орқали ўзлаштириб келади. Бугунги кунимизда халқимиз истиқлол шарофати билан ўз динига, ўзлигига янгидан қайтмоқда. Муқаддас динимиз Ислом дини миллий маънавиятимизнинг муҳим асосларимиздан бирига айланади. Бугунги кунда ёшларимизни бой маданий меросимиз,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон” 1997

тарихий анъаналаримизга, миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида, юксак маънавий фазилатли ҳар томонлама камол топган инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу масала давлат аҳамиятига молик вазифа деб тушунилмоқда. Комил инсон деганда, ҳар томонлама етук, ички дунёси, тарбияси, поклиги, билими ва малакаси, умуман ижобий жараёнларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган инсон тушунилади. Зотан миллатимиз тарихида шундай зоти комиллар ўтганки, уларнинг ҳар бирлари биз авлодларга битмас-туганмас маънавий бойлик қолдирганлар. Ҳозирда бу зиё нурларидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Маънавий тарбия инсон камолоти йўлидаги шундай бир воситаки, уни четлаб ўтиш мумкин эмас. Аجدодларимизнинг бой маънавий мероси, уларнинг ҳаётий тажрибалари, яшаш тарзлари, инсоний хусусиятлари комил инсон тарбиясининг асосий омилларидан саналади. Биз бу маънавий бойликларни ўрганган сари, фикримиз чархланади, ўзимизни аجدодларимизга яқинроқ сезамиз. Улуғ бобокалонларимиз Имом ат-Термизий, Имом Бухорий, Бурхониддин Марғилоний, имом Мотрудий, Алишер Навоий сингари алломаларнинг бизга қолдирган маънавий бойликлари, буюк Шарқ миниатюра санъати, ижрочилик санъатининг ўлмас мероси мақомларимиз, анъанавий мумтоз мусиқамиз, мумтоз адабиётимизнинг ўлмас асарлари, комил инсон тарбиясида, маънавий тарбияда муҳим мил бўлиб хизмат қилади. Биз улуғ аجدодларимизнинг маънавий бойликларини ўргана борганимиз сари уларга яқинлик сезамиз. Буларнинг барчаси бизни комилликка етаклайди, маънавий тарбиямизни, фикримизни бойитади, келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Маънавий бойлик инсоннинг ўзида, онгида, фикрида мужассамланган тафаккур мезони саналади. Инсонни моддиятга қанча эҳтиёжи бўлса, маънавиятга ҳам шунча эҳтиёжи бор, маънавият инсоннинг ички эҳтиёжи, кўнгил билан боғлиқ тушунча.

Маънавият ўз ичига мафқурани, дунёқарашни олади. Инсон борки унинг маънавияти бор, бу маънавият унинг маданияти, маърифати ва маълум

мафкурага, дунёқарашга эътиқодини, белгилайди. Маданий тараққиёт жараёнида турли соҳаларда ахлоқий маданият, фалсафий маданият, бадий маданият деган тушунчалардан кенг фойдаланилади. Маданиятнинг энг мураккаб, инсоний қобилиятларни, талантни, унинг ижодий имкониятларини ифодаловчи формаси маънавий маданият бўлиб, у ижтимоий онгни санъат, ахлоқ, фалсафа, социология каби турларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос оламдир. Масалан бадий маданият меросини олайлик. Бдий мерос аввало халқ оғзаки ижодини ўз ичига олади. Бунда халқ оғзаки ижоди етакчи ўринни эгаллайди. Чунки у фақат бадий ижод бўлиб қолмасдан, балки ҳар бир халқнинг маънавий тараққиётида муҳим босқични ҳам ташкил этади. Халқ мусиқаси, ўйинлари ва ҳаваскорлик санъатининг бошқа турлари, рангтасвир ва графика, ҳайкалтарошлик ва ҳунармандчилик санъати сингари санъатнинг қатор турлари бадий меросда катта ўрин эгаллайди ва ҳар бир халқ санъатининг ривожини учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Халқ бадий ҳунармандчилиги: кулолчилик, заргарлик, каштачилик, гиламдўзлик, мисгарлик ва бошқалар ҳам бадий маданиятда ва унинг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Ранг-баранг профессионал санъат ва унинг назарияси ҳам бадий мероснинг қисмларидир. Бунда мазкур халқнинг буюк даҳосини ифодалаган буюк шоирлар, мусиқачилар, рассомлар, меъморлар, кўшиқларнинг моҳир ижрочилари ав бошқаларнинг ижоди қимматлидир. Бадий маънавиятнинг барча йўналишлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

Маданият ва санъатнинг ҳақиқий ижодкори халқдир. Халқ ўзи яратган бойликларни, меросни авайлаб асрайди, чунки бу бойлик, мерос унинг ўзи учун, келажак авлодлар учун хизмат қилади. Маънавий тарбияда маданият ва санъатнинг ўрнини баҳолаб эканмиз юқоридаги фикрларни мужассамлаштирган ҳолда унинг мазмун ва моҳиятини тушунишликни тақазо этади.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўз маънавий бойлигига тўла эга бўлди. Маънавий меросимиз аجدодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача

етиб келган маънавий бойликлар – сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Буларнинг барчаси халқимиз онгини янги тафаккур билан шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, буларнинг барчаси халқимизнинг қомилики етаклиди. Маънавий тарбияда маданият ва санъатнинг ўрнини ана шундай баҳолаш зарур бўлади ва бу сарчашмалар инсонларнинг қалбига зиё нурини сочаверади.

2.2. Оила ва давлат сиёсати

Ўзбекистон Республикасида янгидан шакллантирилаётган инсон тараққиёти концепциясининг асосий мазмуни жамиятда оила фаровонлигини яхшилаш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш, айниқса оилада аёл мавқеини тубдан ўзгартириш зарур, деган тамойилга асосланади. Шу билан биргалакда ушбу масалани ижтимоий-фалсафий, психологик ва педагогик ғояларга асосланувчи илмий-методик таъминоти умуминсоний қадриятларга мансублиги ва миллий маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, ўзбекистон халқлари маънавий меросини ривожлантириш ва жаҳон цивилизацияси билан бойитиш нуқтаи назаридан қараб чиқишни тақазо этади.

Мустақиликка эришганимиздан бошлаб оилалар ҳақида ғамхўрлик давлат сиёсатининг диққат марказида бўлиб келди. Маҳаллаларни ўз-ўзини бошқариш сиёсати оилаларнинг мустаҳкамланишига, салоҳиятини оширишга уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз-ўзини бошқариш тизими оила фаровонлигини ошириш, маҳаллада аҳоли тинчлигини сақлаш, оиладаги келишмовчиликларни бартараф этиш, фарзандлар тарбиясига яқиндан ёндошиш каби тамойилларни ўз ичига олади. Ўзбекистон мустақиллик йўлида дадил қадам ташлаб борар экан, жамиятдаги ўзгаришлар ва унинг истиқболига давлат сиёсати даражасида қарашликни тақазо этмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган бу борадаги барча ижобий ишлар демократик

давлатчиликнинг ўзига хос ривожланиш жараёнида маънавий-маърифий, тарбиявий соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунда ҳар бир йилнинг бир-бири билан боғлиқ равишда ноаланиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ушбу йилар орасида “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Сиҳат саломатлик йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”нинг давлат дастурлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадбирларнинг барчасини амалга ошишида давлат сиёсатини бу борадаги амалий ишлари билан бир қаторда унинг бош ғояси мазмунида халқимиз, Ватанимизнинг равнақи, оилаларнинг бахтли ҳаёти мужассамдир.

Оиладан бошланур Ватан,
Оиладур бир жону бир тан.
Гар оила бўлса мустаҳкам,
Мустаҳкамдир элу-юртинг ҳам!

Ушбу сўзлар замирида оиланинг жамиятдаги тутган ўрнини, оиланинг нақадар муқаддас эканлигини англаш қийин эмас. Оилаларга давлат томонидан қилинаётган эътибор унинг мустаҳкалланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Халқаро кузатувчилар ҳам бу борада Республикамизда амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бермоқдалар. Барча ишлар республикамизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар билан баҳамжиҳат амалга оширилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ҳам оиланинг мустаҳкамлиги, тинч-тотувлиги, унинг ҳаётдаги ўрнини эътироф этган ҳолда бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Шунингдек, 1994 йили БМТ томонидан ҳар йилнинг 15 май куни “Халқаро оила куни” деб эълон қилиниши ва бу кун кўтаринки руҳда байрам сифатида ўтказилиши унинг ёрқин далилидир. Ғарб мамлакатларида оиланинг қадрият сифатида нуфузи тушиб бормоқда. Оилада бўлаётган ажримлар йилдан йилга ортиб бориши турмуш қурмасдан туриб фарзанд кўриш, бир хил жинсга мансуб кишиларнинг оила қуриши табиий ҳол бўлиб

бормоқда. Бу масалаларга мамлакатимиз раҳбарияти, шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан алоҳида эътибор берилиб ўз вақтида Ўзбекистонда соғлом оила яратиш ғояси шаклланди. 1998 йил “Оила йили” сифатида давлатимиз ва жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий оили бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимизнинг асрлар давомида адолатли давлат фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуриш орзуси оила тотувлигида намоён бўлди. Ёшларимизнинг бугунги замон талаблари ва андозаларига ҳар томнлама жавоб берадиган билии ва савияси миллий бойлигимиздир. Шу билан бирга, аجدодларимизга хос миллий ғурур, инсоний кадр-қиммат, орият каби маънавий-маърифий салоҳият ва фазилатлар қайта таркиб топтирилди. Оилага муносабатимизнинг қадриятли мазмун касб этиши одамлар қалбида мудраб ётган қанча-қанча олижаноб, эзгу ният ва умидларни рўёбга чиқаришга шароит яратиб берилди. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақил ватанимизнинг биринчи “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди. “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси тузилди. Соғлом насл, руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялаш масаласида оила муҳим рол ўйнайди. Оилада она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътибор кучайтирилди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, профилактика тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. Ақл, заковатли болалар камол топиши учун педагогика ва психологиянинг замонавий усулларининг қўллаш кўникмалари шакллантирилди. Энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида фуқароларни Ватанга, халққа муҳаббат ва садоқат, мустаҳкам ва соғлом оила қадриятларини шакллантириш учун зарур жараёнлар давом эттирилди. Дарҳақиқат мамлакатимизда тарихан қисқа 15 йил давомида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада мамунан бой ишлар қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, оила масаласи давлат сиёсатининг бош мавзусига айланди. Яъни буларнинг барчасини негизида инсон, юртимиз фуқароларини ҳар томнлама муҳофаза қилиш ётади. Ҳар

йили янги йилни бир-бири билан боғланиши, дастурлар қабул қилинишининг барчаси мамлакатимизда оиланинг фаровнлигини, халқимиз маънавий-хуқуқий қадриятларини муҳофаза қилиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсади ётади.

Шунингдек, 1997 йили “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йили “Оила йили”, 1999 йилни “Аёллар йили” ёки 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинишининг заминида инсон ва унинг ҳаётини фаровон бўлиши, фуқаролар жамиятини шаклланиши, ривожланиши, мақсад ва вазифалари ифожаланган. Ана шундай мақсад, вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда оила, унда тарбия олаётган шахс ижтимоийлашуви алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, миллатни миллат қилишда оила, она, аёл, тобора жамият ҳаётида ижтимоий мазмун касб этиб қадриятга айланиб бормоқда. Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади. Этник маданият, ахлоқий-маънавий қадриятларимиз, анъаналаримиз сақланади, уни хусусиятларини қадрлаш орқали тарбияланади.

Бугуннинг аёлини жамиятдаги ўрни беқиёсдир. Унинг саломатлиги, саводхонлиги, илму маърифат нуридан баҳрамандлиги, тадбиркорлиги, оиладаги фарзандлар тарбиясидаги жонсараклиги зурриёдларимиз онгига фуқаролик бурчи, масъулият ҳисларини сингдиришга ҳаракат қилади. Соғлом фикрли, юксак маънавиятли, теран идрокли онагина ўз жигаргўшасида ватанпарварликни, меҳнатсеварликни, келажакка ишончни тарбиялай олади. Бу борадаги давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат ва хайрли ишлар йилма-йил, кунба-кун давом эттирилмоқда.

Эркин фуқаролик жамиятини қураётган Ўзбекистонда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилётган барча эзгу ишлар оила муҳотида янгича фикрлаш, яхши яшаш ва порлоқ келажакни яратишда ҳамжиҳатликка таянади. Зеро, соғлом оила ва соғлом авлод ғоясининг асосчиси ва раҳбари бўлган Президентимиз ва давлатимиз олиб бораётган сиёсатни яқдиллик билан қўллаб қуватлаётган оилалар, аёллар ва ёшлар бу эзгу ниятларнинг тимсоли ва фаолларидир. Дарҳақиқат, ҳеч бир

давлатда оилага эътибор давлат даражасида бизнинг давлатимиздек нуфузга эга эмас. Шунинг учун буни кадрига етмоқлик, ана шу эътиборни ўз нуктаи назаридан келиб чиқиб ҳаётга тадбиқ етмоқлик зарур. Бунинг учун барчамиз бу эзгу ишларга масъулиятимизни унутмаслигимиз керак.

Иккинчи бобга кичик хулоса қиладиган бўлсак, шундай фикрларни фалсафий мушоҳадалар орқали билдириш мумкин. Инсонлик моҳияти ҳақиқат бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантриб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади, деб ёзган эди буюк аллома Абу Наср Форобий ўзининг асарларидан бирида.

Демак, яшаш, ижод қилиш, ўз ризку рўзини ҳалол меҳнати орқали топиб ҳаёт кечириш ҳар бир инсоннинг тақдир йўлидаги бир жараёндирки, бу ишларни у энг аввало ўз оиласи, яқинлари, фарзандлари билан боғлайди.

Бахтли инсоннинг бахтсиз инсондан фарқловчи мезонларидан ана шу бевосита оиласи билан боғланган ният орзуларни юрти, ватани тақдири билан боғлай олишдир. Чунки, ҳақиқий ватанпарвар инсоннинг шахсий манфаатлари оиласи ёки юрти манфаатидан айрича бўлиши мумкин эмас. Шунини тушунган ҳолда ҳар бир юртимизнинг фуқароларидан бугунги давр талаби, давлатимиз сиёсатини изчил амалга оширишда сидқидилдан ёндошишликни тақазо этади. Зеро, бугунги ўзбек оиласида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бош масала экан, барча кўрилаяётган тадбирлар хусусида, оиланинг мустаҳкамлашни ўз олдимизга бош мақсад қилиб қўймоғимиз даркор.

Хулоса

Мамлакатимиз ўзининг мустақиллигига эришган кундан бошлаб, демократик давлатчиликнинг ўзига хос ривожланиш жараёнида маънавий-маърифий, тарбиявий соҳада ўзига хос ижобий ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Ушбу жараёнда халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаяётган ижобий ишлар муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан бўлаяётган юртимиздаги ўзгаришлар таҳсинга сазовордир. Халқаро

кузатувчилар, жаҳон ҳамжамияти ҳам бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бермоқдалар. Айниқса, ҳар бир йилнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолда номланиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ушбу йиллар орасида “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Сиҳат саломатлик йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Баркамол авлод йили”нинг дастурлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадбирларнинг бош ғояси мазмунида халқимиз, Ватанимизнинг равнақи, оилаларнинг бахтли ҳаёти мужассамдир. Бу ишларнинг замирида халқ фаровонлиги, оила тотувлиги, оилавий муносабатларнинг ижобий қарор топиши сингари ҳаётӣ кўникмалар ётади.

Ўзбек оиласи қадимдан эзгулик ва садоқат, аҳиллик ва поклик тимсоли бўлиб шаклланган ва бугунги кунгача халқимиз бу анъанани муқаддас сақлаган ҳолда асрлар силсиласидан ўта олади. Ўзбек оиласида анъанавӣ тарбия ҳамиша бош мезон бўлиб келган ва ундаги маънавий муҳит муҳим ўрин тутати. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, тасаввур ва эътиқодига оид кўникмалар асосан оила шароитида шаклланади. Оила ибрат мактаби, тарбия ва маънавият ўчоғи, ғоявий тарбиянинг омилидир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур битирув малакавий ишнинг амалга оширишдаги кўрсатма ва вазифалар, оилавий муносабатларни ўрганиш орқали асосий мақсадга эришиш мақсад қилиб қўйилди.

Ана шу фикрларга ёндошилган ҳолда ушбу амалга оширилган тадқиқот ишининг мавзуси “Болалар маънавий тарбиясида оила атрофидаги муҳитнинг аҳамияти ва ижтимоий иш ходимининг вазифалари” деб номланди ва оилавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш кўзда тутилади.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, иккита боб, ҳар бир бобда иккитадан кичик мавзу, хулоса, тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, оиладаги маънавий муҳитни, ахлоқий тарбияни

шакллантиришда амал қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаш ва унинг моҳиятини очиб бериш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва мақсад вазифалари баён этилган бўлиб, инмоннинг маънавиятли шахс сифатида шаклланишида оиланинг ўрни, оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги, фарзандларнинг ота-она ва жамият олдидаги бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан эканлиги таъкидланган ва Президентимизнинг бу борадаги фикрлари баён қилинган. Мақсад ва вазифаларни белгилашда аниқ услуб ва йўллар ишлаб чиқилди ва мавзунинг гнезиси, яъни келиб чиқиши ва ривожланиш жараёни таҳлил қилинди. Шунга кўра қуйидаги услуб ва йўллар мақсадга мувофиқ деб танланади.

- оиладаги соғлом муҳитни яратиш омилларига эътибор бериш, шарт-шароитларини ўрганиш;
- оилада миллий қадриятларга ва ахлоқий кўринишларга эътибор бериш;
- оиланинг тузилиш жараёнини ва касбий фаолиятини ўрганиш;
- оилада маънавий тарбияни шакллантиришда ота-онанинг ўрнини таҳлил қилиш;
- оилада маънавий муҳитни таркиб топишида маданият ва санъатнинг ўрнини кузатамиз.

Ана шу мақсадларни амалга оширишда вилоят маҳалла жамғармаси аниқ жой этиб белгиланди. Бунинг натижасида маҳаллалар тасарруфида бўлган турли табақаларга мансуб, турлича тузилиш характери ва мазмунига эга бўлган оилаларни ўрганиш, оиладаги маънавий тарбияни шакллантиришда маҳаллаларни ўрнини белгилаш, бош нуқта сифатида белгиланди.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Маънавий тарбия – баркамоллик омили” деб номланган бўлиб, унда фарзандлар тарбиясига, таълим олишига жиддий ёндошиш, баркамол инсон қилиб тарбиялаш, келажакнинг меваси сифатида

караш бош мақсад қилиб қўйилди. Буюк алломаларимизнинг асарларида баён этилган, фалсафий таълимотларига асосланган, фикрлари баён этилган, фалсафий таълимотларига асосланган, фикрлари баён этилган. Бунга кўра маърифатли, энг яхши ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган ота-онагина баркамол фарзандларни вояга етказишга қодир эканликлари эътироф этилган.

Биринчи бобнинг биринчи кичик мавзусида маънавий тарбияда миллий урф-одатлар ва қадриятларнинг ўрни белгилаб берилади. Жумладан, ўзининг бой тарихига эга бўлган халқимизнинг ўзига хос урф-одати, қадриятлари миллий менталитет доирасида шаклланганлиги, асрлар давомида маънавий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлиги таъкидланади. Буни биз оилада мавжуд бўлган тарбиявий кўринишларда янгича жиҳатлари билан намоён бўлаётганлигини кузатамиз баён этилган.

Оилада маънавий тарбияни шакллантиришда ота-онанинг вазифалари кейинги кичик мавзудан жой олган бўлиб, жамият учун зарур ҳисобланган фарзандларни руҳан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш ота-онанинг нафақат шахсий иши, балки ижтимоий бурчи эканлиги таъкидланади. Оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, билимли, ақл-заковатли, уддабурон, зукко, руҳан ва маънавий баркамол инсонни вояга етказиш, шунингдек, оила анъаналарини, шажарасини давомийлигини таъминлаш, фарзандни бўш вақтини унумли ўтказиш, гиёҳвандлик маиший нопоклик, ахлоқсизлик каби иллатларга йўл қўймаслик борасидаги фикрлар мавзунинг иккинчи кичик бобида баён қилинган. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали ёшларни миллий ватанпарварлик, исносларпарварлик ғояларига, умуминсоний қадриятларга садоқатли қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Бу борада профессор Василя Каримованинг оилб бораётган илмий изланишларидан намуналар келтирилади. Фанда инсон саломатлиги, жисмоний, руҳий, ақлий, маънавий баркамоллиги, зўзаллиги калокагатия, артобиоз каби атамалар орқали тушунтириладиган ҳодисалар борлиги баён қилинади.

Иккинчи бобнинг биринчи кичик мавзуси “Маънавий тарбияда маданият ва санъатнинг ўрни” деб номланиб, маънавият билан санъатнинг муштарак тушунча эканлиги, маънавият сўзининг моҳияти инсон қалбига, онгига, тасаввурга ва дунёқарашига таъсир этадиган рухий қадриятлар мажмуаси эканлиги таъкидланади. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда маданият ва санъатнинг таъсир кучидан унумли фойдаланиш зарурлиги қуйидаги тамойиллар орқали ифода этилади

- мураккаб, шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларимизни маданият ва санъат воситасида очиб бериш;
- бугунги ҳаёт воқелигини орзу-умидларимизни акс эттирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга эътиборни қаратиш;
- бадиий ижодиётда ёшларга ибрат бўладиган баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш;
- истиқлол мафкурасига зид ғояларни очиб беришга қаратилган асарлар яратиш.

Юқорида таъкидланганидек, баркамол авлод маънавий тарбиясида санъат ва маданиятнинг ўрнини алоҳида таърифлаш, зарурий деб олинди. Халқ мусиқаси, ўйинлари, рангтасвир ва графика, ҳайкалторишлик ва хунармандчилик, халқ амалий санъати сингари санъатнинг қатор турлари маънавий тарбияда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Маънавий тарбияда маданият ва санъатнинг ўрнини ана шундай баҳолаш зарур бўлади. Тадқиқот шининг сўнги кичик мавзуси “Оила ва давлат сиёсати” деб номланиб, мустақиллик йилларида оилани мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги қайд қилинади. Мустақил ватанимизнинг биринчи “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди. Шу номдаги халқаро жамғарма тузилди. Оилада она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътибор кучайтиралди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, профилактика тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. Оила масаласи давлат сиёсатининг бош мавзусига айланди.

Зеро соғлом оила ва соғлом авлод ғоясининг асосчиси ва раҳбари бўлган Президентимиз ва давлатимиз олиб бораётган сиёсатни яқдиллик билан қўллаб қувватлаётган оилалар, аёллар ва ёшларбу эзгу ниятларнинг тимсоли ва фаолларидир. Ушбу битирув малакавий ишнинг якуний қисмида юртбошимизнинг сўзларини келтиришни жоиз деб билдик. “Юртимизда ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади, шу боис оила ва мафкура, маънавий тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги тутган ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан туриб, халқимиз мафкурасини ярата олмаймиз”. Ушбу сўзлар замирида оиланинг муқаддаслигига ишонч ҳисси, зўр эҳтиром ётадики, барчамизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Тавсиялар

Ўзбек оиласи қадимдан эзгулик ва садоқат, аҳиллик ва поклик тимсоли бўлиб шаклланган ва бугунги кунгача халқимиз бу анъанани муқаддас сақлаган ҳолда давомийлигини сақлаган ҳолда давомийлигини сақлаб келмоқда. Ўзбек оиласида анъанавий тарбия ҳамisha бош мезон бўлиб келган ва ундаги маънавий муҳит муҳим ўрин тутди. “Қуш уясида кўрганини қилади” дейилган халқимизнинг машҳур мақоли айнан оиладаги маънавий тарбияни, муҳитни шакллантиришда муҳим воситадир. Ота-онанинг бир-бирларига бўлган муносабатларидан бола андоза олади ва ўзи ҳам шунга интилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, оиладаги маънавий тарбияни шакллантиришдаги омиллардан қуйидагиларни тавсия сифатида кўрсатиш мумкин:

- ота-онага, ака-укага, опа-сингил, қариндош-уруғларга, кекса кишиларга, маҳалла гузр аҳолига ҳурмат ҳиссини фарзандларда шакллантириш;
- фарзандларнинг маданият ва санъатга эътиборини жалб этиш, бадий-эстетик тарбиясига аҳамият бериш;

- фарзандларга ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган дастурхон одоби, меҳмондорчилик, муомала одоби сингари кўникмаларни сингдириш;
- Оммавий ахборот воситалари орқали ёритилган дастурларнинг маънавий тарбияга молик ҳолатларини оилавий муҳитга таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш;
- Мактабда, ўқув юртларида, иш жойида ўртоқлари ва ҳамкасблари билан одоб доирасида муомала қилишни шакллантириш;
- Оилада ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш йўлида олиб борилётган тадбирларни амалга оширишда фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш;
- Оиладаги маънавий муҳитни шакллантиришда умумий тарзда ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндошларга бўлган яхши муносабатларни ўзлаштиришни бош мезон деб тушуниш.

Оиладаги маънавий муҳитни шакллантиришдаги муҳим омиллардан яна бири маҳаллада ташкил этиладиган тадбирларда, яхшилик ва оғир кунларда маҳалладошлар орасида бўладиган оқибатли ишлардан фарзандларни огоҳ этиш ва уларнинг ёшларига ва жинсларига қараб тадбирларда иштирок этишларини таъминлашдан иборатдир. Умуман олганда ўзбек оиласи ҳамиша маънавий тарбияга алоҳида эътибор берилган ҳолда одоб доирасидаги кўринишларда тарбия мезонига таянади. Ўзбек оиласида маънавий тарбияни шакллантириш ва унга алоҳида эътибор бериш ҳаиша бош вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов. И.А. Миллий истиқлол ғояси – халқимизнинг ишончи ва эътиқоди. Т.: “Ўқитувчи” 2004
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон” 1997
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон” 1996
4. Фитрат А. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”. Т.: “Маънавият” 1998
5. Махмуд Т. Маънавият асослари. Т.: “Ўзбекистон” 2000
6. Эгамбердиева Т. “Аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари”. Т.: “Фан” 2006
7. Маннопов С. “Маданият ва санъат тарихи”. “Фарғона” нашриёти 2007
8. Муаллифлар гуруҳи. Истиқлол даврида оила қадриятларининг трансформациялашув жараёнлари. Фарғона 2005
9. “Оила” журнали. №02, 2005 йил
10. Маннопов С. Оила ва оилавий муносабатлар социологияси. Маърузалар матни. Фарғона 2007
11. Ҳафизов Т., Шодмонов Қ. “Жамоатчилик назорати”. Фарғона 2007
12. Қурбонов Т. “Ота бўлиш осон”. Т.: “Маънавият” 2007